Янги йилда — янги орзулар
КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАЁТГАНЛАР ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ
БУ ҲАЁТ БЎСТОНИДА Дам олиш соатларида
ОЙНАИ ЖАҲОНДА

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 2 (9.805) / 2003 ЙИЛ 3 ЯНВАРЬ



## Уйлар муборак!

Номи ўзига ярашиқли йилларимиз ҳар биримизнинг ҳаётимизда мазмунли из қолдиряпти. Улар яшаришу ўзгаришларга шу қадар бойки, бу янгиликларни санаб адоғига етолмайсиз. Бугун ўз кўрки-таровати билан шаҳримизга файз бағишлаб турган осмонўпар бинолар, бир-биридан юксак маҳобатли кўприклар, замонавий қиёфага эга бўлган обод маҳаллалар, кенг ва равон кўчалар, муҳташам маданият ва спорт саройлари кимни ҳам ўзига мафтун этмайди дейсиз. Улар нафақат ҳамюртларимизнинг, балки хорижий меҳмонларимизни ҳам танг қолдирмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «ўхшаши йўқ бўстон» Ўзбекистонимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари авжида, ўз касбини садоқат билан эъзозлаётган қурувчиларимиз эса Тошкентимизни келажаги буюк шаҳарга айлантириш учун туну кун енг шимариб ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда. Уларнинг пешона тери билан пайдо бўлаётган кошоналар бугун одамлар билан гавжум, қалб қўри билан бунёдга келган уйларда эса бахтиёр оилалар истиқомат қилишяпти.

Биз таърифу ва тавсифини келтираётган қўли гул қурувчилар «Уйжойқурилиш» трести ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-конвейерли қурилиш бошқармасида ҳам кўплаб топилади. Шундайлардан бири сиз суратда кўриб турган Т. Боботоевдир. Бугун бу моҳир қурувчи ишлаётган бригада аъзолари Генерал Узоқов кўчасида бунёд этилган янги турар жой биносини фойдаланишга топшириш тараддудида.

**Ҳаким Солиҳов олган сурат.**

**• САНОАТ**

**Мамлакатимизда тўқимачилик саноати жадал ривожланиб бормоқда. Бунда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти олимлари изланишлари натижасида юзага келган янги технологиялар ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.**

## Олимлар изланишда

Кейинги йилларда олий ўқув юртининг ипак технологияси бўйича олиб борган тадқиқотлари ҳам самарали бўлди. «Ўзбек ипаги» уюшмаси билан ҳамкорлик туфайли қатор янги техникавий жараёнлар амалга оширилди. Олий ўқув юртининг ипак технологияси кафедраси шартнома асосида 7 миллион 300 минг сўмлик буюртмани адо этди.

Табиий ипакни трикотаж саноатида қўллаш борасидаги изланишлар ҳам кафедра учун муҳим янгилик бўлди. Шу тадқиқотлар натижаси ўлароқ янги истиқболли технология ҳам юзага келди. Республикамизда биринчи бор яратилган бу технология трикотаж саноати ривожида алоҳида ўрин тутмоқда.

Кафедра олимлари эришган ушбу янги технология Қўқон шаҳридаги «Пайпоқноски» ҳиссадорлик жамияти ҳамда Жиззах шаҳридаги «Зилола» ҳиссадорлик жамиятида пишиқ ва сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ушбу кенгашнинг 2003 йилги иш режаси муҳокама этилди ва тасдиқланди.

● Шаҳримиздаги «Ravshan» меҳмонхонасида Жаҳон кредит уюшмалари кенгаши томонидан Осиё тараққиёт банки ва АҚШнинг халқаро ривожланиш агентлиги молиявий кўмагида амалга оширилаётган «Ўзбекистон қишлоқ жойларида омонат ва кредит уюшмаларини синовдан ўтказиш» лойиҳаси доирасида «Кредит иттифоқларида молиявий фанлар» мавзусида тренинг-курс бўлиб ўтди.

● Андижондаги «МАСК» Ўзбекистон — Россия — Буюк Британия қўшма корхонасида янги маҳсулот — мева қайласини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрда драматург Насрулло Қобул асари, бастакор Фарҳод Олимов мусиқаси асосида саҳналаштирилган «Машраб» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

● «Ўзкўргазмасавдо» мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилаётган Янги йил томошалари давом этмоқда. **Эртага** Арча байрами томошаларига 8 минг нафар ногиронлар ва ёрдамга муҳтож болалар таклиф этилади.

● **Эртага** Чилонзор тумани ташкил этилганига қирқ йил тўлади.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво очиқ бўлди. Кундузи ҳаво ҳарорати 10-12 даража илиқ бўлди.

### Жаҳонда

● Ироққа нисбатан бошланиши мумкин бўлган урушга тайёргарлик кўриш доирасида Пентагон ташкилоти Жоржия штатида жойлашган АҚШнинг учинчи пиёдалар дивизиясини Форс кўрфазига жўнатиш учун буйруқ берди.

● Бортига 70 минг тонна керосин ортган Туркиянинг «Вики» танкери Ла-Манш бўғозида «Триколор» кемасининг сув остида турган корпуси билан тўқнашиб кетди.

● Шимолий Корея Жанубий Кореяни АҚШ билан юз берган зиддиятда уни қўллаб-қувватлашга чақирди. Ўз навбатида АҚШ Президенти Жорж Буш Шимолий Кореянинг ядро қуроли дастури билан бўлаётган низо тинч йўл билан ҳал этилиши мумкинлигини айтди.

● 2003 йил 1 январдан Россия Федерациясида табиий монополиялар хизматлари учун тарифлар оширилди. Жумладан, электр энергияси учун тарифлар ўртача 13-14 фоизга, газ учун эса 20 фоизга ошди.

● Бельгиянинг Буствезель шаҳридаги «Бламмаерт» маданият марказида самарқандлик болаларнинг расмлар кўргазмаси очилди.

## Қисқа сатрларда

❐ **ЯНГИ** 2003 йилнинг биринчи кунида шаҳримизда янги йилнинг биринчи чақалоғи дунёга келди. Соғлом туғилган фарзандга ота-онаси Жасур дея исм қўйишди.

❐ **XXI АСРНИНГ** учинчи йили бошланган айни кезларда шаҳримиздаги «Мингўрик» маҳалласи ташкил этилганлигига 85 йил тўлди. Асосини кўп миллатли кишилар ташкил этган ушбу маҳаллада оқсоқоллар ва фаоллар ташаббуси билан болажонлар иштирокида Янги йил тантаналари уюштирилди ҳамда кичкинтойларга Қорбобонинг совғалари улашилди.

❐ **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети қошида бундан икки йил аввал ёшларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган Беруний академияси ташаббуси билан янги журнал чоп этила бошланганди. Мазкур академиянинг талабалар гуруҳи ва иқтидорли ёшлари саъй-ҳаракатлари билан нашр этилаётган журналнинг навбатдаги сони муштарийлар қўлига етиб борди.

**• БИРИНЧИ ИШ ҲАФТАСИ**

**Ҳар йилнинг ўзига хос жиҳатлари бўлади. Айниқса, эшик қоқиб кириб келган Янги йилнинг илк оқшомида, биринчи кунида дилдаги эзгу ниятлар, мақсад ва тилаклар тилга кўчади, яхши истакларнинг кети узилмайди. Бир-биримизга соғлиқ, тинчлик, оилавий бахт тилаш баробарида, албатта ишларимизга ҳам ривож тилаймиз. Кутлуғ йилнинг илк иш ҳафтасини эса олам-олам орзулар билан бошлаймиз. Яхши кайфият, байрам қувончу таровати билан бошланган иш эса албатта унумли бўлади. Ҳамшаҳарларимиз ҳам биринчи иш кунини байрамнинг қайноқ тафти билан дилларига яхши мақсадларни тугиб бошлашди. Уларнинг қалб изҳорларини тинглаш эса янада мароқли.**

## Ниятлар ушаладиган йил бўлади

**◆ Сайфиддин СИРОЖИДДИНОВ, «159-трест» ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси ўринбосари:**

— Бунёдкорлик — шарафли касб. Ана шу шарафли ва машаққатли касбни эъзозлаётган толмас қўлли бунёдкорларимиз Янги йилни янги мақсад ва вазифалар билан қарши олдилар. Унинг биринчи иш ҳафтасини қурилиш майдонларида ўз иш ўринларида бошлаган 650 нафардан зиёд ишчи-хизматчимиз, сифатга ва объектларни вақтида фойдаланишга топширишга аҳамият қаратиш ниятида. Ўтган йилда йирик иншоотлардан бири — Ўзбекистон Давлат консерваторияси қурилишида фаол қатнашган бўлсак, жорий йилда пойтахтимизга кўрк бағишловчи муҳташам бинолар қуриш истагидамиз. Қурилиш ишларида илғор технологиялардан, жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, мустаҳкам иморатлар тиклашга аҳд қилар эканмиз Югославия, Туркия бунёдкорлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз.

**◆ Аброр АҲМЕДОВ, «TASHKENT TEA FAKTORY» қўшма корхонаси директори:**

— Ҳаракат, изланиш, интилиш бўлса, ютуқларга эришиш шубҳасиз эканлигини ўз иш тажрибамиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Шу боис ҳам Янги йилни яхши мақсадлар билан бошлаб юбордик. Хушбўй ва бежирим қадоқланган «Тошкент» чойларимиз қаторига дунёда ўз нуфузига эга бўлган «Акбар» чойи ҳам қўшилганидан беҳад мамнунмиз. Янги йилда асосий мақсадимиз — ички бозорда ўз ўрнимизни янада мустаҳкамлаш, харидор талабини тўла қондиришдир. Бунинг учун ҳамкорларимиз билан алоқани янада мустаҳкамлаб, янги цех очиш, уни замонавий қадоқлаш ускуналари билан жиҳозлашни мўлжаллаяпмиз. «Яхши ният — ярим давлат» дейишади. Шу боис ҳам ҳар бир ишчимиз Кутлуғ йил бўлишини дилларига жо қилган ҳолда янги йилни кўтаринки руҳда бошлашди. Ўйлайманки, биринчи кун ҳаракати келгуси ишларимизга мустаҳкам замин бўлади.

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

• Ҳар нарсанинг ўзига яраша қиммати бор. Қилинмоқчи бўлган яхшиликнинг қиммати эса уни тезроқ амалга оширишдадир.

• Айтмоқчи бўлган гапингни ва қачон гапиришинг кераклигин яхши мулоҳаза қилиб, сўнгра гапир.

• Мурувват ва мардликнинг мукаммал ҳолда бўлгани ахлоқ ва тарбия жиҳатидан ҳаммага маъқул, марғуб бўлган одамда кўринади.

• Гўзал хулқ ва тарбияли онанинг хислатлари, яхши феъл-атвори фарзандларига ўтади, улар ҳам шундай гўзал хислатларга эга бўладилар.

• Кўп кулиб, масхарабозлик қилган одамнинг ҳурмати камаяди, салобати ва обрўси пасаяди.

• Ота ўз фарзандларига мерос этиб молу дунё эмас, одоб-ахлоқ қолдириши керак. Молу дунё мероси кундан-кун камайиб, одоб-ахлоқ мероси эса ошиб боради.

• Ўзинг ҳимматли бўл, ота-бобонг ҳимматини сўзлаб, мағрур бўлиб юрма.

• Ўзига душман бўлган жоҳилнинг бошқаларга дўст бўлиши қийин.

**БАЙТ:**

**Ризқ топмокда чумолидек кучингга йиғлагил,**
**Пашшадек хониш қилиб ҳар суфрадан кувланмагил.**

• Бир қари киши Ҳотамтойдан бироз шакар сўради. Ҳотам унинг сўраганидан ўн ҳисса кўпроқ шакар берди. Ҳотамнинг хотини эътироз қилиб:

— Ахир у чол бироз шакар сўраган эди, сиз эса сўраганидан ўн ҳисса кўпроқ шакар бердингиз, бу нима қилганингиз? — деган эди, Ҳотам кулиб айтди:

— Тўғри, у ўз эҳтиёжига яраша сўради, бундан ортиқ сўрашга шарм қилди, ўзига эп билмади. Агар мен унга сўраган микдорда шакар берсам, сахийлигимга, шон-шарафимга тўғри келмасди, шунга кўра сўраганидан зиёда шакар бердим, оз беришни ўзимга эп кўрмадим.

**БАЙТ:**

**Саховат қилур кеки бахт ихтиёр,**
**Ки бўлгай саходан киши бахтиёр.**

• Луқмони Ҳакимдан:

— Сиз бировнинг қора баданли чўпони эдингиз, энди улуғ даражага кўтарди? — деб сўрадилар. Луқмони Ҳаким айтди:

— Доимо тўғри сўзладим, омонатга хиёнат қилмадим, маъносиз, беҳуда сўзлар сўзлашдан чекиндим. Мана шу уч хислат мени улуғ даражага кўтарди.

• Донишмандлардан Абулмуин айтади:

— Ақл, идрокдан маҳрум бўлган бош сувсиз чашмага, адабисиз, тарбиясиз йигит эгар-жабдуқсиз отга, шарм-ҳаёсиз хотин тузсиз таомга, илмига амал қилмаган олим хушбўй гули йўқ бўстонга ўхшайди.

**БАЙТ:**

**Илм агар дилга урар — ёринг эрур,**
**Урса танга, шубҳасиз, моринг (илон) эрур.**

• Султон Маҳмуд Ғазнавий жуда хунук, бадбашара одам эди. Кунлардан бир кун ойнага қараб, хунук башарасини кўриб афсусланиб ўтирарди. Шу пайтда вазири келиб қолди. Султонининг қайғуриб ўтирганини сезиб:

— Сизга нима бўлди? Нега қайғуриб ўтирибсиз? — деб сўради. Султон унга:

— Чиройли юзга ҳамма қарайди, менинг юзимдек хунук юзга эса қарашдан ирганади, шунинг учун қайғуриб ўтирибман, — деди.

Вазир тасалли бериб айтди:

— Қайғурманг, ташқи қиёфага минг кишидан биттасигина қарайди. Ҳаммани ўзига қаратиш учун эса одамнинг ташқи қиёфаси эмас, сийрати (ички олами) гўзал бўлиши шартдир. Халққа зулм қилманг, инсоф, адолатли, шафқат ва марҳаматли бўлинг, очиқ юз, ширин сўз, хушмуомалаликни ўзингизга шиор қилиб олинг. Ана у чоқда халқнинг муҳаббатини жалб этасиз. Халққа сизнинг хунук башарангиз эмас, гўзал сийратингиз керак. Сийратингиз гўзал бўлса, халқнинг қалбини ўзингизга қаратиб оласиз.

**БАЙТ:**

**Ҳар кишининг сийрати бўлса гўзал,**
**Одамийлар одами билгил ўшал.**

• Молсизликдан қашшоқ бўлсанг ҳам, ақлдан бой бўлишга ҳаракат қил, чунки мол билан бой бўлгандан ақл билан бой бўлган яхширокдир: ақл билан мол тўпласа бўлади, аммо мол билан ақл тўплаб бўлмайди.

• Ўзини доно санаган нодондан сақлан.

• Икки тоифа одам беҳуда ишлаб, беҳуда ҳаракат қилган бўлади: бири мол-мулк йиғиб фойдаланмаган, иккинчиси эса илм олиб унга амал қилмаган одам.

**БАЙТ:**

**Ҳарчанд ўқибсан, билимдонсан,**
**Агар амал қилмадинг, нодонсан.**

• Буюк олим Абулқосим аз-Замахшарий айтади:

— Хушсифат ва яхши хулқлар зийнатламаган кимсани ипак кийимлар зийнатлай олмайди. Ернинг зийнати олимлар билан, кўкнинг зийнати юлдузлар биландир.

Илм бир тоғ мисолдир, у тоғдан ошув кўп душвордир, тушув эса осондир. Билувчи билан кўп текшириб тадқиқ кашф этган билимдон орасида фарқ каттадир, капалак ҳам, қарчиғай ҳам қанот қоқиб учади, аммо икковининг учиши бирдай эмас.

**БАЙТ:**

**Чин олим ҳийладан узокдир, узоқ,**
**Нурнинг ўз сояси бўлмайди ҳеч чоқ.**

• Абу Али ибн Сино айтади:

— Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат — ҳаё ила иффатдир. Хаёсиз юз жонсиз жасад кабидур.

• Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборакдир, анча-мунча шундай хатоларни беркитиб йўқ қилур.

**БАЙТ:**

**Дурга садаф бўлмаса парда-ю либос,**
**Қатра сувга қўшилиб кетарди халос.**

## ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

Муҳаммад Авфий

# Жавомеъ ул-ҳикоёт

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

* * *

Бир машҳур кишининг қўйлари кўп эди. У кишининг чўпони кунда қўйларни соғиб, сутини хўжайиннинг ҳузурига келтириб берарди. Хўжайин эса сутга сув қўшиб сотишни буюрарди.

Чўпон хўжайинга доим таъкидларди: «Эй хожа, хиёнат қилма! Хиёнатнинг оқибати даҳшат ва ҳалокат билан тугайди». Аммо хўжайин бу сўзларга парво қилмасди.

Кунлардан бир кун чўпон қўйларини тоғ этагига ёткизиб, ўзи эса тоғнинг юқорироғидан жой қилиб ётган эди. Ногоҳ, кучли ёмғир ёғиб, сел қуйди ва тоғдан тушган сел қўйларни оқизиб кетди. Чўпон эса сутсиз хўжайин олдига келди. Хўжайин чўпондан, — нега сут келтирмадинг? — деб сўради. Чўпон эса унга шундай деди: «Сутга қўшган сувларинг ҳаммаси жам бўлиб, катта бир селга айланди ва барча қўйларингни оқизиб кетди...»

Оқилларга маълум бўлғайким, тақдирда шерикчилик йўқдир.

* * *

Имоми аъзам Абу Ҳанифа даврларида Бағдод уламоларидан бир донишманд киши бўлган экан. У киши сохта зоҳидлик ниқоби остида риёкорлик ва товламачилик йўлига кирган эди.

Бир кун Хуросондан бир киши ҳаж қилмоқ ниятида Бағдодга келди. У кишининг ёнида бир неча ортиқча динори бор эди. Ушбу динорларни эҳтиёт юзасидан бирор кишига омонат қолдириб кетиш ҳаракатига тушди. Ниҳоят, динор тўла ҳамённи мазкур донишманднинг ҳузурига олиб борди ва унга омонат топширди. Ўзи эса ҳажга равона бўлди. Ниҳоят, каъбани зиёрат қилиб, маросимлардан фориғ бўлиб, қайтиб келаётганда, карвонга қароқчилар ҳужум қилди. Барча карвон аҳлини тунадилар. Жумладан мазкур кишининг ҳам бор-йўғини шилиб олдилар. Ҳожи бор-йўғидан ажралиб, оч-яланғоч ҳолда Бағдодга етиб келди ва донишманднинг ҳузурига борди.

Ҳожи донишманддан ўз ҳамёнини талаб қилди. У киши деди: «Сен девона бўлганга ўхшайсан, йўл машаққатлари сенга асар қилган кўринади. Савдойи бўлиб қолибсан. Мен сени ҳеч қачон кўрганим йўқ».

Бечора ҳожи қанча зор-тавалло билан ёлбормасин, барибир унинг сўзини инобатга олмади.

Ҳожи ноумид бўлиб ўз дўстига бўлган воқеани ҳикоя қилди. Дўсти унга шундай деди:

— Сен бу дарднинг давосини имом Абу Ҳанифадан топишинг мумкин. Бу воқеани унга баён қил! Унинг мадади билан молинг қўлингга кирса ажаб эмас.

Ҳожи имомнинг ҳузурига келиб, бўлган воқеани сўзлаб берди. «Мен сени ҳожатинг ҳақида ўйлаб кўришим лозим. Бинобарин, бугун уйингга кетавер, эртага яна келарсан! — деди имом.

Имом Аъзам донишмандга одам юбориб, уни ўз ҳузурига чақириб: «Балки эшитгандирсан, кўп вақтлардан буён амир мендан Бағдоднинг қозилик мансабини қабул қилишимни таклиф қиладди. Мен эса ийманиб қабул қилмай келаман. Ниҳоят, агар ўзинг қабул қилмасанг, ўрнингга олим ва зоҳид бир кишини топиб, номзодини кўрсат деб талаб қилаяпти. Мен ўйлаб-ўйлаб сени эсладим. Энди сен рози бўлсанг, номингга фармон ёзилиб, мазкур мансаб сенга ҳавола қилингусидир», деди.

Мансабпараст донишманд киши бу сўзни эшитгач, гапни қандай мақсадда айтилаётганини ўйлаб ҳам кўрмай, қувониб дарҳол розилик берди. Имом Аъзам унга қараб деди:

«Бугун уйингга бориб, яхшилаб ўйлаб эртага кел. Агар рози бўлсанг, сенинг номингга фармон ёзилади».

Шодликдан бутун кеча давомида донишманднинг кўзига уйқу келмади. Эртаси куни донишманд Имом саройига келди. Шу пайт эшикдан ҳожи ҳам кириб келиб, салом берди. Донишманд ҳожини кўргач таниди ва қозилик мансабининг умидида ҳожига деди: «Эй шайх, сен қаёқларда юрибсан? Ҳар кун сени сўроқлардим. Ниҳоят, келиб кетувчилар рўйхатини текшириб хабарингни шу ердан топдим. Энди менинг эсимга тушди. Омонатингни мендан олишинг лозим. Зероки, шунча муддат ичида сенга бирор воқеа юз бериб қолган бўлса ҳақ эгасига тегмай қоладими, деган хаёллар билан менда на уйқу ва на ҳаловат бор эди».

Имом донишмандга деди:

«Иқрор бўлдингми, энди эгасига топшир!»

Донишманд ҳамённи келтиришни буюрди. У ҳамённи Имом ҳузурида эгасига топширди. Шундан сўнг Имом донишмандга деди: «Энди саломат уйингга бор! Бизнинг мақсадимиз бир мусулмоннинг ҳақини ўзига қайтариш эди. Шунингдек, сенинг омонатга қилган хиёнатинг ҳамда ҳукумат ва қозиликка бўлган хоҳиш ва рағбатинг менга равшан бўлди. Бинобарин, сендан ихлосим қайтди».

Бу хабар бутун Бағдодга ёйилди. Донишманд илгари энг ишончли кишилардан эди. Эндиликда хоинлар қаторига қўшилди. Амирнинг инъом ва эҳсонларидан маҳрум бўлди. Ниҳоят, азоб-уқубатда тирикчилик қила бошлади.

* * *

Султон Маъсуднинг Кичик Синбал деган бир ходими бор эди. Унинг сон-саноқсиз мол-мулки бор эди. Синбал Баҳромшоҳ замонасига келиб вафот этди. Унинг моллари одамлар қўлида қолди. Синбалнинг Райҳон исмли хизматкори бўлиб, у хожасининг кимда қанча моли борлигидан хабардор эди. Райҳон одамлардан молларни қайтариб беришларини талаб қила бошлади. Баъзи кишилар Синбалдан олган молларини қайтариб бердилар.

Баъзи кишилар шаҳардан чиқиб қочдилар. Баъзи кишилар Синбалнинг ўлганига ичларида севиниб, ундан олган молларига мункир келдилар. Марҳум Синбалдан мол олган унинг энг яқин ва ишончли кишиларидан бири Муҳаммад мўйнадўз исмли киши эди. Унда Синбалнинг кўп моли бор эди. Аммо Муҳаммад молнинг ҳажмини камайтириб тўлашга ҳаракат қиларди.

Кунлардан бир кун Муҳаммад мўйнадўз Шайх Абул Мавид ҳузурига келиб, ундан илтимос қилди:

— Сенинг муридларинг жумласидандурман. Марҳум Синбалнинг молидан икки кўза олтин менинг қўлимда омонат турган эди. Ушбу икки кўза олтинни қайтариб бердим. Аммо мендан яна саккиз кўза олтин талаб қилиб мени ранжитяптилар. Азоб-уқубатларга гирифтор бўлайинки, менда бошқа олтин йўқ. Агар мавлоно шафоат қилиб, мени қутқарсалар кўп улуғ савобга дохил бўлардилар.

**(Давоми бор).**

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# «П» ҳарфли бошқотирма

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида.**

1. Аскияда танлаб олинган мавзу. 2. Сабзавот экини. 3. Болгариядаги шаҳар, маъмурий марказ. 4. Қўй гўшти қисми. 5. Ёзув ашёси сифатида ишлатилган қамишсимон, тропик ўсимлик. 6. Ўсимлик тупини кўпайтириш. 7. Атом ядроси қисми. 8. Темирйўл транспорти воситаси. 9. Рассомлик асари тури. 10. Бинонинг юқори кўркам қисми. 11. Геометрик жисм. 12. Учиш аппаратидан сакраш мосламаси. 13. Тараққиёт жараёнлари босқичи. 14. Италиянинг Сицилия вилояти маркази, порт шаҳар. 15. Кимёвий таркиби бир хил, аммо молекулаларидаги атомлар миқдори билан бир-биридан фарқланувчи моддалар. 16. Вақтинчалик кўприкни сув юзида кўтариб туришга мўлжалланган таги ясси қайиқ.



**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Алишер Навоий достонидаги Мажнуннинг асл исми — 11, 7, 16, 12.

2. Икки торли, пардасиз чертиб чалинадиган мусиқа асбоби — 6, 15, 3 ,14, 8, 4, 7.

3. Жуда қисқа вақт — 9, 7, 5, 1, 7.

4. Бинокорлик ашёси, қаттиқ жинс — 10, 2, 13.

Жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Сўнг кўрсаткич йўналиши билан ўқиш орқали шарқ халқлари ҳикматлари тўплами бўлган «Оталар сўзи» манбаида келтирилган ибратли икки мисрани билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 30 декабрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

1. Март. 2. Торт. 3. Тошкент. 4. Токио. 5. Олмахон. 6. Нон. 7. Нурхон. 8. Ниқоб. 9. Базм. 10. Мум. 11. Мучал. 12. «Лазги». 13. Имтиёз. 14. Зал. 15. Лото. 16. Оқизоқ. 17. Қорбобо. 18. Ой. 19. Йилнома. 20. Аёз. 21. Зафар. 22. «Роҳат». 23. Табрик. 24. Кабиса. 25. Аср.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар:** 1. Кўмир. 2. Эра. 3. Сайил. 4. Гиря. 5. Замон. 6. «Бузрук».

**Янги йил эзгуликларга мўл, баракали бўлсин азизлар!**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-09. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 12.00 1 2 3 4 5 6